



“Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini  
mexanizatsiyalash muhandislari instituti”  
Milliy tadqiqot universiteti



FAN:

“MASHINA TRAKTOR AGREGATLARI  
ISH UNUMINI BOSHQARISH”

MAVZU  
**30**

Yuqori ish unumli zamonaviy mashina  
traktor agregatlarni tuzish va ularni  
boshqarish;



IGAMBERDIYEV ASQAR KIMSANOVICH  
texnika fanlari doktori, professor



Muhandislik tizimlarini boshqarish  
kafedrasi mudiri



## Reja:

1. Агрегатларни тузиш (комплектлаш) шароити;
2. Агрегатларни тузиш шартлари ва тартиби;
3. Тўғри тузилган агрегат қўйиладиган талаблар;
4. Агрегатлар тузиш ўсуллари;
5. Агрегатнинг тўғри тузилганлигини баҳолаш

## Агрегатларни түзиш (комплектлаш) шароити

Агрегатларни түзиш деганда агрегат таркибини ва агротехник талабларга мос иш тезликларини илмий асослаш жараёни тушунилади.

Агрегатларни түзишда қуйидаги мұхим талаблар ҳисобға олиниши керак:

1. Технологик жараённи **юқори сифатда** бажарилишига;
2. Ҳосил ёки иш бирлигига нисбатан ҳисобий **ресурсларнинг энг кам солиши** (артификация, ёнилғи-энергетик, мөлдөмий, материал) ва агрегатнинг энг катта иш унумига;
3. Атроф мұхит, **тупроқ** ва **ўсимликка** энг кам салбий таъсир этишига;
4. Инсоннинг **юқори үнүм** билан соғлиғига салбий таъсир этмаган ҳолда **ишлаши учун шароит** яратып берилишига;
5. Ишнинг мүкаммал, пухта бажарилишини таъминлашга.

## Агрегатларни тузиш (комплектлаш) шароити

Агрегатларни тузиш – бу аниқ шароитда агротехника талабларига мувофиқ ишларнинг **юқори сифатда** бажарилишини, машиналардан **унумли** фойдаланиши, энг **юқори иш унуми** ва **тежамкорликни** таъминлайдиган агрегатларни танлашдан иборат.

Двигател қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик агрегатнинг фойдаланиш **кўрсатгичларини пасайишига**, бинобарин, берилган ҳажмдаги ишларни белгиланган агротехника муддатларида бажариш учун бўлган **эҳтиёжнинг** (талаб этиладиган агрегатлар сонини) **ошишига сабаб** бўлади. Бу эса, ўз навбатида хўжаликнинг агрегатлардан фойдаланиш **самарадорлигига салбий** таъсир кўрсатади.

# Агрегат тузишнинг асосий шартлари

- технологик ишларнинг агротехника талабларига мувофиқ **юқори сифатда бажарилишини;**
- аниқ иш шароитига, яъни **майдоннинг ўлчамига ва материалларнинг ҳолатига мос келишини;**
- двигател қувватидан тўлиқ ҳамда тракторнинг **тортиш кучидан белгиланган чегараларда** фойдаланишини;
- ишлов бериладиган майдон ва олинган маҳсулот бирлигига **энг кам меҳнат, энергия ва ёқилғи** сарфланишини;
- ҳаракатчанлик (маневрчанлик) хусусиятлари ва хизмат кўрсатиш қулийлигини;
- агрегатда ишлайдиган механизатор ва ёрдамчи ишчиларга оид меҳнат **муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги** талабларига жавоб беринини таъминлаши талаб этилади.

## Қишлоқ хұжалик агрегатларини түзиш тартиби:

1. Технологик ишнинг шароитлари ва агротехника талабари аникланади;
2. Қишлоқ хұжалиги машинаси ва тракторнинг русуми танланади;
3. Технологик ишни бажарыш учун йўл қўйиладиган тезликлар чегарасига мос ҳолда агрегат тезлиги танланади ва унга кўра тракторнинг иш узатмаси аникланади;
4. Агрегат амалда тузилади, яъни қишлоқ хұжалиги машинаси тракторга тиркалади ёки ўрнатилади, сўнгра технологик созланади (агротехника талаблариiga мувофиқ ишчи қисмлар ўрнатилади ва ростланади) ҳамда йўналтирувчи қурилмалар ўрнатилади.

Тузилган машина-трактор агрегати маҳсус майдочада ёки дала шароитида ишлатиб қўрилади ҳамда унинг кўрсатгичлари баҳоланади.

# Агрегатларнинг таркибини тузиш усуллари

Агрегатларни түзишнинг **икки тури** – синаш ва ҳисоблаш турлари **мавжуд**.

**Биринчи тур** - **түзилган агрегатни синаш**. Бунда машина трактор агрегатлар трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарни ишлаб чиқарган завод-тайёрловчилар кўрсамаларига мувофиқ амалда **түзилади**, сўнгра **далада синаб, ишлатиб кўрилади**, ундан фойдаланиш кўрсатгичлари аниқланади.

**Иккинчи тур** – **Агрегет таркибини ҳисоблаб тузиш**. Бу тур агрегат таркибини түзишнинг асосий тури ҳисобланади.

# Агрегатларни тузишнинг ҳисоблаш үсуллари

**Агрегатни тузишнинг асосий тури ҳисоблаш ҳисобланади.**

Бу турга қуйидаги ҳисоблаш үсуллари киради:

- **аналитик үсул** - бунда ҳисоблар формулалар орқали бажарилади.

- **график ёки график-аналитик үсул** - бунда трактор ва машинанинг график куринишидаги кўрсатгичларидан фойдаланиладиу

- **электрон ҳисоблаш машиналари билан ҳисоблаш үсули** - махсус дастурлар асосида агрегатнинг кўрсатгичлари аниқланади.

## Агрегатларнинг таркибини ҳисоблаш тартиби

1. Технологик жараённи бажаришга қўйиладиган агротехник талабларга мувофиқ **трактор ва ҚҲМ, шунингдек агрегатнинг тезлик иш режими** танланади.
2. Трактор ва ҚҲМ нинг техник тафсилоти, шунингдек маълумотнома материаллар бўйича танланган **тезлик режимига мувофиқ кўрсатгичлари** белгиланади.
3. Етакчи ғилдиракларнинг тупроқ билан илашиш кучининг етарли ёки етарли эмаслиги текширилади:

$$F_{ил} = G_{ил} \mu > P_{ур} \text{ ёки } F_{ил} = G_{ил} \mu < P_{ур}$$

# Агрегатларнинг таркибини ҳисоблаш тартиби

4. Оддий тиркама агрегатнинг мумкин бўлган энг катта қамраш кенглиги ( $m$ ) аниқланади:

$$B_{\text{азр}} = (P_{\text{ил}} - R_{\text{кос}})/K_m$$

Агрегатдаги машина-қуроллар сони аниқланади:

бунда  $B_m$  – бир машина-қуролнинг қамраш кенглиги. **Бутун кичик сон олинади.**

Агрегатнинг умумий иш тортиш қаршилиги аниқланади,  $\kappa H$ :

$$R_a = K_m \cdot B_m n_m + R_f + R_\alpha + R_{\text{кос}}$$

## Агрегатларнинг таркибини ҳисоблаш тартиби

5. **Хайдов агрегати** учун аввал бир корпуснинг қаршилиги аниқланади

$$R_{\text{кор}} = K_{\text{пл}} \cdot a \cdot b,$$

Бу ерда:  $b$  - корпуснинг қамраш кенглиги, м.

$a$  – корпуснинг ҳайдаш чуқурлиги, м.

Сўнгра корпуслар (бутун - кичик) сони белгиланади.

$$\Pi_{\text{кор}} = (P_{\text{ил}} - R_{\text{ков}}) / R_{\text{кор}}$$

**Осма агрегатларда** трактор бир машина ёки аниқ сонли машина билан ишлайди. Бу ҳолда **агрегат таркибини ҳисоблаш талаб этилмайди**

## Агрегатнинг тўғри тузилганлигини баҳолаш

Агрегатнинг тўғри ҳисобланган таркиби ва иш тезлигининг тўғри танланганлиги тракторнинг номинал тортиш кучидан ва агрегатнинг фойдаланиш коеффициентлари бўйича аниқланади.

Тракторнинг тортиш кучидан фойдаланиш коеффициенти қўйидагича белгиланади:

$$\eta_T = R_a / P_{il}^n$$

Бу коеффициентнинг қиймати 0,78...0,95 чегараларда бўлиши керак: (ер ҳайдаш (шудгорлашда) - 0,78...0,94, культивация қилишда – 0,83...0,94, бороналашда – 0,85...0,95, дон экишда – 0,80...0,90).

## Агрегатнинг тўғри тузилганлигини баҳолаш

Агрегатнинг фойдаланиш коефициенти:  $\eta_f = \eta_T \beta \tau$

бунда  $\beta$  - агрегатнинг қамраш кенглигидан фойдаланиш коефициенти:  
 $\tau$  - смена вақтидан фойдаланиш коеффиценти (0,70...0,89).

Агрегатни амалда тузишда қишлоқ хўжалиги машинаси ва тракторни тўғри танлаш ҳамда унинг тезлигини тўғри белгилаш билан биргаликда машинани тракторга улашнинг шундай усулини танлаш керакки, бунда агрегатнинг юқори сифатли ва турғун ишлаши, машинанинг энг кам тортиш қаршилиги тамиланаши лозим.

# Агрегатлар түзишдаги инновацион үсуллар ва ишланмалар.

## Кенг қамровли агрегатлар



Ер ҳайдаш агрегати

## Маккажүхори үриш агрегати



# Замонавий агрегатлар билан тупроққа ишлов бериш



Бўз тупроққа ишлов бериш



Соз тупроққа ишлов бериш



Тошли тупроққа ишлов бериш



Қамраш кенглигини ўзгартириш

## Агрегатнинг тўғри тузилганигини баҳолаш

Қишлоқ хўжалик агрегатларини ишга тайёрлашда қуйидаги ишлар бажарилади: трактор ва иш машиналари мавсумга сифатли қилиб тайёрланади, улар бирлаштирилиб, агрегат тузилади; ишчи қисмлари технологик ўлчамларга мос ҳолда ростланади; агрегатни йўналтирувчи қурилмалар (из тортичлар) ва қўшимча мосламалар билан жиҳозланади; агрегат ишлатиб кўрилади.

Агрегатларни ростлаш ишлари хўжаликнинг машина саройидаги махсус тайёрланган ростлаш майдончасида ўтказиш тавсия этилади.

# Назорат тестлари

1	Texnologik tezliklar chegarasi qanday tezliklarini belgilaydi.	ishning bajarish	traktorni yurish	agregatning harakatlanish	ish mashinasini ng yurish
2	Agrotexnik talablarni bajarilishini kim nazorat qiladi.?	fermer	operator-fermer	agronom-operator	operator
3	Agregat tarkibini aniqlash va uni ishga tayyorlash kimning vazifasiga kiradi?	operator	agronom	fermer	texnik mutaxassis-operator
4	Agregatni xarakat ko'rsatgichlarini aniqlash bilan kim shug'llanadi?	texnik mutaxassis	operator	agronom	fermer
5	Agregatni daladagi xarakatlanish usulini kim aniqlaydi?	agronom-operator	agronom	fermer	operator

# Назорат тестлари

6	Jarayon sifatini kim nazorat qiladi?	agronom-operator	operator	agronom	fermer
7	Paxta terish apparati barabanlari orasidagi tirqish kengligi nimaga qarab rostlanadi.	paxtani ochilish darajasi	g'o'zapoyaning balandligi	ko'chatlar soni	paxta hosildorligi
8	Boshoqli donni poyasi bilan o'rib olish - dala yuzasiga tashlab ketish-quritish- erdan ko'tarib olish-yanchish va donni ajratish jarayonlar bajariladigan usulni qaysi usul.	ikki fazali bir va ikki fazali	uch fazali	bir va ikki fazali	bir fazali
9	Dalada ishlayotgan masina traktor aggregat ish unumini operatorga bog'liq bo'lgan omil nima hisoblanadi.	agregatini yuqori tezlik bilan boshqarishi	aggregatining maqbul harakatlanish usulini qo'llashi	agregatga vaqtida texnik xizmat ko'rsatish	agregatni yaxshi saqlash
10	Qaysi ko'rsatkich mashinaning energetik ko'rsatgichi hisoblanadi	puxtaligi	ish unumi	quvvat sarfi	tashqi o'lchamlari

## Назорат саволлари

1. Мақбул агрегатни түзишдан мақсад нималардан иборат?
2. Тўғри тузилган агрегат қандай талабга жавоб бериши керак?
3. Тракторнинг тезлик режимлари қандай аниқланади?
4. Агрегатлар түзишнинг қандай тури ва усулларини биласиз?
5. Агрегатни комплектлаш ҳисоби қандай тартибда бажарилади?
6. Агрегатнинг энг катта қамраш кенглиги қандай аниқланади?
7. Агрегатнинг умумий қаршилиги қандай аниқланади?
8. Агрегатининг мақбул тузилганлиги қандай кўрсаткичлар билан баҳоланади?

## Adabiyotlar:

1. А.К.Игамбердиев Машина трактор агрегатларидан фойдаланиш ва техник сервис. Дарслик, Тошкент 2021.-410 б.
2. А.К.Игамбердиев, С.Алиқулов. Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш, техник сервис. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2020.-230 б.
3. Н.Э.Фере Пособие по эксплуатации машинно-тракторного парка. Учебник, Москва, Колос, 1978.-256 б.
4. Ю.И.Наумов. Машина трактор паркидан фойдаланиш. Тошкент: Дарслик, Мехнат, 1985.-365 б.



**“Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini  
mexanizatsiyalash muhandislari instituti”  
Milliy tadqiqot universiteti**



# E'TIBORINGIZ UCHUN RAHMAT!



IGAMBERDIEV ASQAR  
KIMSANOVICH



Mashinalardan foydalanish va  
ta'mirlash kafedrasi mudiri



+ 998 71 237 05 86



[asqar1959@mail.ru](mailto:asqar1959@mail.ru)



asqar59 +99894 641 24 98